XALQ DEPUTATLARI PAXTAOBOD TUMANI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 23 - iyun VI-32-76-1-25-K/22 Paxtaobod tumani hokimligi

Пахтаобод тумандаги Бойтўпи, Янги чек, Чорсу, Қайир, Пушмон маҳалла фуқаролар йиғинидаги айрим кўча номларини ўзгартириш тўғрисида.

Пахтаобод туманидаги Бойтўпи, Янги чек, Чорсу, Қайир, Пушмон маҳалла фуқаролар йиғинларининг мажлис баёни ва туман ҳокимига Бойтўпи маҳалласининг Бархаёт кўчаси, Янги чек кўчасининг Асосий кўчаси, Чорсу маҳалласининг Бойкечик ҳамда Шайдолар кўчалари, Қайир маҳалласининг Ўғатир кўчаси ҳамда Пушмон маҳалласининг Ўрдачек кўчаси номларини ўзгартириш, тарихий манбаларга суянган ҳолда янгилаш, кўчаларни эса қисқароқ ном билан аташ таклифи тасдиқлаш тўғрисида Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссияси томонидан тақдим этилган хулосалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 295-сонли қарори ҳамда туман комиссияси таклифларини инобатга олиб, халқ депутатлари Пахтаобод тумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Пахтаобод туман ҳокимининг Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссиясининг 2021 йил 13 ноябр кунги 6-сонли баённомаси ҳамда Географик объектларга ном бериш ёки уларни қайта номлаш бўйича Республика Эксперт комиссияси хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Пахтаобод тумани комиссияси томонидан тақдим этилган 6 та географик объектни қайта номлаш бўйича таклифи юзасидан Республика Эксперт комиссиянинг тасдиқлаган хулосаси маъқуллансин.

3. Пахтаобод туманида жойлашган маҳалла фуқаролари йиғинларидаги қайта номланган кўчалар рўйхати **1-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман хокимининг ўринбосари (З.Фозилов), туман статистика бўлими (Кенжабоев) ҳамда Кадастр агентлиги туман филиали (Халилов) ҳамда тегишли мутасадди ва давлат органларига амалдаги тартибда номлари ўзгартирилган кўчаларни

давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базасини шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартириш киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга ошириш ҳамда номи ўзгартирилган кўчалар маҳаллага уларнинг номлари ёзилган металл кўрсатгич ва белгилар, пешлавҳалар босқичма-босқич ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

5. Туман ички ишлар бўлими (Ахмедов) номлари ўзгартирилган ҳудудларда аҳолининг фуқаролик паспортларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

6. География объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш бўйича туман комиссияси котиби (Г.Қазақова), Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (К.Ахмедов)лар номи ўзгартирилган кўчалар маҳаллага уларнинг номлари ёзилган металл кўрсатгич ва белгилар, пешлавҳалар босқичма-босқич ўрнатилишини назорат қилсин.

7. Белгилансинки, географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

8. “Давр садоси” газетаси (Қосимова) ва туман ҳокимлиги матбуот хизмати (Муталибов) ушбу қарор газета ва туман ҳокимлиги расмий сайти саҳифасида ёритилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси (Сўпиев) ва қарор ижросини таъминлаш география объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича туман комиссияси (Комилов) зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ депутатлари туман Кенгаши раиси **Э.Т.Усмонов**

Xalq deputatlari Paxtaobod tuman
Kengashining
2022 yil 23 iyundagi
VI-32-76-1-25-K/22-son qaroriga
1-ilova

Пахтаобод туманидаги Бойтўпи, Янги чек, Чорсу, Қайир, Пушмон маҳалла фуқаролар йиғинидаги номлари ўзгартирилган кўчалар

РЎЙХАТИ

Т/Р	География объектнинг тури	Жойлашган ўрни	География объектнинг амалдаги номи	Эскпертиза томонидан мувофиқ деб топилган номлар
1	Кўча	Бойтўпи МФЙ	Бархаёт	Бектўпи
2	Кўча	Янгичек МФЙ	Асосий кўча	Янгичек
3	Кўча	Чорсу МФЙ	Бойкечик	Янги Чорсу
4	Кўча	Чорсу МФЙ	Шайдолар	Зафаробод
5	Кўча	Қайир МФЙ	Ўғатир	Янгизамин
6	Кўча	Пушмон МФЙ	Ўрдачек	Истиқбол